

Ўзбекистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 5 январь Душанба. № 1 (14494)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!

Азиз юртодошлар! Аввало, барчага бағримга босиб, кириб келатган Янги йил байрами билан чин қалбдан муборакбод этаман.

Шу қутлуғ дақиқаларда байрам дастурхони атрофида ўтирган ҳар бир инсоннинг онги ва қалбидан умидбахш ўйлар, эзу озулар кечади. Утган бир йиллик умр ҳаёдан сарҳисоб қилинади. Эртанги куннинг ёруғ режалари тузилади.

Янги йил байрамининг ўзига хос бир томони бор. Бу пайтда, чақалоқдан тортиб кекса мўйсафидга қадр, кишининг ёшига ёш қўшилади. Янги йил фарзандларининг балоғатга, камолотга яқинлашадиганидан далолат бериб бизни қувонтиради. Нуруний отахонларимиз, мунис онахонларимизни яна ҳам мўйтабарроқ, яна ҳам табаррукроқ қилади. Биз уларга янада кўпроқ меҳр билан қарайдиган, эъзозлайдиган,

иззат-икромига етадиган бўламиз.

Азиз ватандошлар! Утаётган йил халқимиз, мамлакатимиз учун ҳар томонлама хайр-баракали, шарофатли йил бўлди. Инсон манфаатлари йили ҳаётида ўз самараси, ўз таъсирини берганини кўп мисоллар орқали олис қишлоқларимизда ҳам, катта-кичиқ шаҳарларимизда ҳам сезиш мумкин.

Энг муҳими, 1997 йил юртимизда тинч ва осойишта кечди. Фарзандларимиз қаторига фарзандлар қўшилди. Юртимизнинг янада обод бўлиши учун катта ишлар қилинди. Янги корхоналар, янги иншоотлар барпо этилди, Ватанамиз қудратли ва салоҳиятли, халққаро обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган кўндал-кўн тадбирлар амалга оширилди.

Янги жамиятимизни қуриш, кўзага манзилмизга етиш учун анча тажриба орттирдик.

Иқтисодий ҳаётимиздаги барқарорлик ва ўсиш суръатлари тўғрисида халқимизнинг ҳаёт даражасини яхшилашда, янги бос-



қичга кўтаришда ижобий натижаларга эришдик. Қадр-қиммат, оқибат, аҳиллик, меҳр-муруват каби миллатимизга мансуб фазилатлар жамиятимиз ҳаётидан тобора мустаҳкам жой олмоқда.

Мана шуларнинг барчасини ишобатга олганда, буғунги байрам арафасида юртимизда яшайтган ҳар қайси инсон — дехқонми, ишчимми, тадбиркор, ҳарбий ёки зиёлими, эски йил-

йил бошида қилаётган эзгу тилақларимиз, пок ниятларимиз ижобат бўлиши шубҳасиз. Бошлаган савобли ишларимизни давом эттириш йўлида янги йил муҳим босқич бўлишига аминман.

Мамлакатимизда 1998 йил Ойла йили деб эълон қилинди. Халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас деб билган. Агар оила аҳил ва тотув бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳалқжамиятликка эришилади, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Ойла фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир.

Мен кўп миллатли мамлакатимиз халқини улуғ ва аҳил бир оилага ўхшатаман. Шу табарруқ оиланинг кундалик ҳаётида ёруғ ва хурсандчилик кунлар қанча кўп бўлса, мен ўзимни шунчалик бахтиёр деб ҳис қиламан.

Азиз биродарлар! Янги йил муборак Рамазон ойининг биринчи кунинда кириб келатганини сабабли айниқса қадридир. Кўҳна тарих шохидлик беришича, бундай ноёб ҳо-

диса сўнги марта бундан қарийб тўрт юз йил муқаддам содир бўлган. Янги йили маънавий-руҳий поклаши билан бошлайтганимиз замирида катта ҳаётини маъно мужассам. Ҳар ишга поклик, олижаноб нишлар билан қўл уришни халқимиз бахт-саодат белгиси, деб билади.

Муҳтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Янги йилнинг қутлуғ бўлсин! Рамазон айёмининг муборак бўлсин!

Янги йилда ҳар бир хонадонга кўт-баракат берсин! Кексаларимизнинг умрларини зиёда бўлсин, ёшларимизнинг камолини берсин!

Барчангизга сўхат-саломатлик, осойишталик, фаровонлик, куч-ғайрат тилайман.

Тинчлик-омонлик, бахт-саодат доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Ислоҳ КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Япониядан мактуб

ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов!

Биз Сизни ва барча ватандошларимизни келатган янги — 1998 йил билан чин қалбимиздан табарруқлаймиз. Ишончимизки, янги 1998 йилнинг ҳам пойқадами муборак бўлиб, жонажон ватанамиз ҳаёти учун жуда кўп ўзгариш ва ривожланишлар йили бўлади.

Шуни айтиб ўтишни истардикки, ақунланаётган 1997 йил ҳам мамлакатимиз тарихида улкан зафарлар йили бўлиб қолмоқда. Чунки мана шу йил ўзингиз бошчилигингизда иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармаси тузилиб, ўзининг иш фаолиятини бошлади. Жуда кўп синовлар орқали республикамизнинг минг-минглаб ёшлари орасидан энг иқтидорлилари танлаб олинди, дунёнинг етакчи давлатларига ўқишга юборилди. Албатта, бу савоби бекиёс ишнинг натижалари, иншооллоҳ, яқин йилларда, мамлакатимиз ҳар томонлама тараққиёт чўққиллари кўтарилган даврда аққол кўрилади.

Муҳтарам Президент!

Биз зиммамизга юкланган масъулиятни чуқур англаган ҳолда бор куч ва идрокимизни пухта билим олишга ва олган билимларимизни жонажон ватанамизнинг буюк келажоғи ҳамда равақига йўлида сарфлашга ваъда берамиз. Янги йил кириб келатган шу қутлуғ лаҳзаларда дилимиздан шундай сўзлар ўтмоқда:

Биз Сизнинг ишончингизни, халқимиз ишончини оқлаймиз!

Биз яхши ўқиймиз!

Биз Ўзбекистонимиз буюк давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олиши учун билимимиз ва бор куч-ғайратимизни ажмаймиз!

Янги — 1998 йилда Сизга Ислоҳ Абдуғаниевич ва оила аъзоларингизга соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз! Янги йил барчамиз учун, бутун Ўзбекистонимиз учун секинча ва қувончлар йили бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларининг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармасининг совриндорлари, ҳозирда Японияда таълим олаётган фарзандларингиз:

АКБАРОВ УМИД, РАҲИМОВ АЛИШЕР, УСМОНОВ ФАРҲУХ, АЛИЕВ АЗИЗ, САИДҚОСИМОВ САМАР, УМАРОВ БУНЁД, ЗОҲИДОВ ШЕРЗОД, ШОМАҲМУДОВА РАЪНО, ҲАКИМОВ ОЙБЕК

1997 йил, 31 декабрь. Токио.

Миллий ақша — миллий фахри

МОМОЛАРДАН МЕРОС БУ

Зарҳал иллар нозик бармоқларда хушбичим нақшона шақларга айланган, беҳиётиёр кўриб дилингни яйрайди. Ўзининг бетакрор урф-одатларига, анъаналарига эга бўлган шу ватанининг фарзанди эканлигининг гурурланиб қўясиз.

Биз Жиззах шаҳридаги "Қамолот-Бек" фирмасига қарашли зардўзлик кичик корхонасига борганимизда кўёш тонгги намхуш нурларини эндигина заминга соча бошлаган эди. Каттагина хона, қўлбола дастгоҳларда йитирмага яқин қизлар келинлик либосларига нақш солиш билан банд. Айниқса, кўрғазмадаги бежирим тўқилган болаларнинг зарҳал дўппилари ва хувелик тўнларини кўриб, бу ерда ўз касбининг моҳир усталари меҳнат қилаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Шу пайтгача момоларимиздан бизга мерос қолган. Йиллар оша такомиллашиб келатган миллий, нақшкор либосларини Бухородан келётган савдогарлардан сотиб олардик, — дейди цех бошлиғи Муҳаббат Бобоқова. — Устама нарҳлар, йўл ҳаражатлари либоснинг таннаҳини ошириб юборди. Шунинг учун ҳамма ҳам сотиб олавер-

масди. Энди эса ўзимизда бор. Одамларнинг эҳтиёжига ва имконига қараб савдога чиқармоқдамиз.

Ҳа, кичик корхонанинг иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ, аммо уларнинг фаолиятига қараб-қизлар Жиззах ахлини миллий зарҳали, нақшкор турли буюмлар билан таъминлашни мақсад қилишгани рост экан, деб фикрландик.

Миллий либослар миллиятнинг шакл-шамоилини, ўзининг, маънавиятини, маданий тараққиётини белгиловчи омилдир. Уртадаги узилди даврда хоржий айрим халқлар ўзбек деганда солдагина қавилган чопону, дўппини миллиятнинг қадимий либослари деб тушуна бошлаганди. Лекин турли либослардаги ҳар бир нақшда тугал санъат асарини маъжуд эканлигини улар тасаввур ҳам қилишмасди. Чунки, жаҳон эшиклари биз учун ёпиқ эди.

Жиззахдаги зардўзлик кичик корхонаси чеварлари Лобар Салимова, Зулайхо Мусаева, Анора Отабобоева солдагина қилиб:

— Биз зардўзликнинг Жиззахга хос усулини яратмоқдамиз, — дедилар.

Ю.ЖУРАЕВ, "Туркистон" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида

Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, муборак ҳаж амалларини адо этишда қўлайликлар ва зарур шароитларни яратишга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р и қ и л а д и:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 1998 йилги ҳаж зиёратини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Муборак ҳаж сафарини ташкил қилиш, зиёратчилар рўйхатини республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, «Маҳалла», «Нуруний» жамғармаларининг жойлардаги бўлинмалари ва киллари иштирокида кенг жамоатчилик фикрини эътиборга олган ҳолда тузиш, мусулмонларнинг талаб-эҳтиёжларини адолатли равишда қондириш масъулияти Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти, унинг жойлардаги мутасадди вакиллари зиммасида эканлиги эътиборга олинсин.

2. 1998 йил ҳаж сафарини ташкил этишда Ўзбекистон мусулмонлари идорасига Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бевосита ёрдам кўрсатсин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси /А.Рўзметов/ 1998 йил март-апрель ойларига зиёратчиларнинг Жидда шаҳрига бориб-келишлари учун қўлай шароитлар яратиш, уларнинг ҳаражатларини қаматириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/, Ташқи ишлар вазирлиги /А.Комилов/, Давлат божхона қўмитаси /У.Комилов/ Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг тақдимида кўра зиёратчиларнинг сафар ҳужжатларини белгилаган тартибда расмийлаштиришни таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги /Ш.Каримов/ Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги томонидан қўйилган тиббий талаблар ва мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда зиёратчиларни тиббий куриқдан ўтказишни, ҳаж даврида уларга ёрдам кўрсатишни ташкил этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/ ва Миллий ҳавфсизлик хизмати /Р.Иноятов/ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ноқонуний йўллар билан ҳаж зиёратига бориши

оқибатида рўй бериши мумкин бўлган кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ҳамда зиёратчиларнинг умумий ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласинлар.

7. Ўзбекистон «Ўзбексавдо» акционерлик компанияси /З.Файзиёв/ ва «Ўзбекбирлашув» уюшмаси /Ф.Бурхонов/ Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг буюртмаларига асосан, зиёратчилар учун керакли буюмлар савдосини жойларда ташкил этсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки /Р.Азимов/ Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасдиқлаган рўйхатга биноан, мамлакатимиздан ҳажга кетётган ҳар бир фуқаро учун 1400 /бир миң тўрт юз/ АҚШ долларини имтиёзли - воситачилик ҳақи олманган ҳолда алмаштириб беришни таъминласин.

Зиёратчиларнинг тегишли миқдордаги сўмларини жойларда умумлаштирилган ҳолда йиғиб олиш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг тегишли бўлинмаларига топшириш Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг масъул ходимлари зиммасига юклансин.

Бу маблағлар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Миллий банкдаги маҳсул ҳисоб рақамига жамланиб, белгилаган миқдорни конвертация қилинсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон мусулмонлари идораси барча зарур тўловларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг чет эл банкларидаги корреспондент ҳисоблари орқали пул ўтказиш йўли билан амалга оширсин.

10. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳамда оммавий ахборот воситаларига муборак ҳаж зиёратининг моҳияти ва талабларини, уни амалга оширишнинг тартиб-қондаси, муддати, барча шартларини, унинг ақунларини кенг ва ошқора ёритиб бориш тасвир этилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Баҳодиров ва Бош вазирнинг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммаларига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 1997 йил 31 декабрь

Ўн саккиз ёшли йигитдан ўн етти ёшли қизга совчи келган.

-- Ўғлингиз нима иш қилади? -- ий-манибгина сўради қизнинг онаси.

-- Тижоратчи. -- Она бу гапни ёйилиб айтиди, гўё шу гапни эшитибок хонадон соҳибаси "хўп" деб юборадигандек эди. Она яна савол берди, одоб билан, иззатини жойига қўйиб:

-- Тушунтириброк айтсангиз...
Совчи аёл энди сал бўшади:
-- Ҳа, энди, метронинг олдида сигарет, майда-чўйда сотади.
-- Бошқа касби йўқми?
-- Ҳозир касбнинг яхшиси шу бўлиб қолган-ку, оповси, кунига еб-ичарининг ҳақи тушиб туради, қизингиз қиналмайди.

Уй эгаси совчини яхши гап билан жўнатиб қолди, аммо ўша кун биз бир-

кундузлари новвойчилик қилишди, баъзилари маҳсудулик, кечқурунлари қайсидир техникум ёки институтда ўқишди. Ёки касб-хунар орқасидан топан пулига пуллик курсларга қатнаб тил, компьютер ўрганишди. Буларнинг ота-оналари фақат бугун билан яшайтгани йўқ, фарзандларини эртанги кунга -- оилага тарбиялапти. Оиланинг ҳам моддий, ҳам маънавий таянчи бўлиши ҳақида қайғурапти.

... Яқинда тахририятимизга бир келинча келди, ўн олти ёшида турмуш қилган экан, иккита фарзанди бор, каттаси энди атак-чечак қиларкан, кичикиса кўлида: "Қиш келди дегунча, тиркичилигимиз қийинлашади. Эрим ёзда сув сотадиганларга ёрдамлашиб юради, қишда иш йўқ. Боламни ойм қарайдилар, менга бирон жойга ишга

жойлашишга ёрдам беринглар", дейди.

Қайин ота, қайин она ҳали ёш, ўз тиркичиликлари билан банд, ўғил кун "дам олади", барча юк келинча зиммасига тушади...

Мен унинг безовта юзига қараб, йигитнинг ота-онаси ҳақида ўйладим. Ахир, омонат иш, омонат тиркичилик билан ўғил, эркак кишининг бўйнига оила деган ўта масъул бир юкни қўйиб, ишониб бўладими? Бу ахир сузишни билмаган гўдакни дарёга ташлагандай гап-ку?

Фарзандни севиш, бу уни "папа"лаш, "уф-уф"лаш эмас, уни мустақилликка ҳозирлаш, тикланиб яшаш, ўзига суяниш учун ичида бир маҳкам устун тиклаш...

Мана, Ойла йили келди. Бу йилга бағишланган тадбирлар ҳам бошланмоқда. Мен бу тадбирларни "Яшасин, Ойла" деб шир эзиб, тарақа-турк билан ўтиб кетавермаслигини хоҳлардим. Битта маҳалладаги йигитчалар, қизлар, ота-оналарни йиғиб: "Ёймачилик ҳам касбми?" "Ўзингизни ота /ёки она/ сифатида тасаввур қила оласизми?" каби мавзуларда аниқ сўхбат, учрашувлар ўтказса, маҳаллаларда йигитлар, қизларни касб ўргатиш, илмга йўллаш бўйича амалий ишлар қилинса қандай яхши бўларди.

Исмада тақдирга ишора бор, дейишди. Ойла -- катта бурч, катта жавобгарлик. Унинг йилини ҳам шундай масъулият билан яшашимиз шарт.

... Танишларимизнинг бир нечтасининг болаларини биланам, баъзилари

ЎУЧУЧУ ОПА БУЛАДИ

иккита қўшнлар анча вақтгача касбу кор, оиланинг унга муносабати ҳақида сўхбатлашиб ўтирдик.

... Куча-қўйни кузатсангиз, ҳақиқатан стол устига жевачқадан тортиб, ёнига уч-тўрт ишша салқин ичимликларни қўнқайтириб ўтирган йигитчаларни кўп учратасиз. Эрталаб ўтсангиз ҳам, тушда, кечқурун ҳам бир алфозда ўтирган бўлади. Харидорлар ҳам жуда сийрак. Бир-иккитасигина ашула эшитиб ўтир-

Донзарб навзу

билмаган гўдакни дарёга ташлагандай гап-ку?

Фарзандни севиш, бу уни "папа"лаш, "уф-уф"лаш эмас, уни мустақилликка ҳозирлаш, тикланиб яшаш, ўзига суяниш учун ичида бир маҳкам устун тиклаш...

Мана, Ойла йили келди. Бу йилга бағишланган тадбирлар ҳам бошланмоқда. Мен бу тадбирларни "Яшасин, Ойла" деб шир эзиб, тарақа-турк билан ўтиб кетавермаслигини хоҳлардим. Битта маҳалладаги йигитчалар, қизлар, ота-оналарни йиғиб: "Ёймачилик ҳам касбми?" "Ўзингизни ота /ёки она/ сифатида тасаввур қила оласизми?" каби мавзуларда аниқ сўхбат, учрашувлар ўтказса, маҳаллаларда йигитлар, қизларни касб ўргатиш, илмга йўллаш бўйича амалий ишлар қилинса қандай яхши бўларди.

Исмада тақдирга ишора бор, дейишди. Ойла -- катта бурч, катта жавобгарлик. Унинг йилини ҳам шундай масъулият билан яшашимиз шарт.

... Танишларимизнинг бир нечтасининг болаларини биланам, баъзилари

Кутлибека РАҲИМБОВА

Зардали мактуб

ЙЎЛИМИЗНИ КИМ СОЗЛАЙДИ

Янги ТошМилан Жарарикқа бурилганда "катта" бир кўча бор. Бу йўл ҳар доим автомобиллар ва пнеда йўловчилар билан гажам. Аммо ачинарли томони шундаки, йўл жуда тор ва нотекис. Агарда иккита машина тўқнаш келиб қолса, лойгарчиликдан йўл четилди-ги йўловчи қонишга жой тополмайди. Пнедалар учун йўлак қилинмаган.

Ушбу йўлдан Жарарик, Белтепа, Ибн Сино масивларига аҳоли қўйналиб қатайди. Йўлнинг би томони маҳалла, иккинчи томони эса бог. Йўловчиларнинг фикрича, йўлни боғнинг ичидан олиб ўтиш керак. Бу-нинг учун боғни бузиш шарт эмас, балки замонавий талабларга мос келадиган автомобил йўли учунгина жой очилса етарли. Қишда қор ёғиб, йўллар аямалак бўлганда машиналарнинг сирпаниб кетиши ҳеч гап эмас. "Тошшаҳарйўловчтрансе" йўловлари ёки ҳокимиятдаги мутасадди ходимлар ушбу йўлдан ўтиб кўришса эди, аҳволнинг нақадар ночор эканлигидан огоҳ бўлишармиди?

Олим НОРБЕКОВ, талаба



Табриклаймиз

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АСПИРАНТЛАР УЧУН ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИ ТАНЛОВИНИНГ 1998 ЙИЛГИ ҒОЛИБЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитетининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияларининг ғолибларини аниқловчи якуний танлов комиссияси Ўзбекистон Президентининг 1993 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 57-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун Давлат стипендиялари тўғрисидаги Низом ва уларни тайинлаш тартиби"га биноан, 1997 йил 23 декабрдаги мажлисида 67 даъвогар орасидан Давлат илмий-техника сисъатининг 5 та устувор йўналиши бўйича яширин овоз бериш йўли билан Ўзбекистон Президенти Давлат стипендияларининг 1998 йилги 5 та ғолибини аниқлади.

Хар йилнинг 29 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг аспирантлар учун Давлат стипендиялари ғолибларини аниқлаб, уларга тантанали равишда шу стипендиялар ғолиблиги гувоҳномаларини топшириш аниқланадиган кун бўлади.

Умид қиламизки, 1998 йилги танлов ғолиби бўлган, куйинда эълон қилинаётган бу иқтидорли аспирантлар республикамиз Президентининг ёшларга билдираётган ишончларини юксак даражада оқлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети, республика илм ахли ва иқтидорли, келажак порлоқ ғолиб аспирантларни, уларни намунали тарбиялаган ота-оналарини, таълим берган мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчи-профессорларини, илмий раҳбарларини ҳамда олий ўқув юрти ва илмий-тадқиқот институтлари раҳбарларини катта муваффақият билан табриклайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

1. Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодига мос ижтимоий-иқтисодий сисъатни шакллантириш:



ХОЛЛИЕВ Азизбек Гўзалович

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетининг 3-курс аспиранти.

1990 йили Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов турмунидаги Абу Райҳон Бериуний номи 243-ўрта мактабни битирган.

1995 йили Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетининг "Тарих" мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирган.

1993-1994 йиллари талабалар учун таъсис этилган Алишер Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори.

1995 йили талабалар учун таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси совриндори.

1995 йили Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетининг "Тарих" мутахассислиги бўйича аспирантура-сига кирган.

Инглиз ва рус тилларини мукаммал билди.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: "Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техника ва маданий алоқалари (Буёк Британия ва АҚШ мисолларида 1991-1995 йиллар)".

Илмий раҳбари: Хонданир Фуломов -- тарих фанлари номзоди, доцент.

Диссертация мавзуи бўйича 5 та илмий мақола чоп этилган. Республика микёсидagi илмий анжуманлар иштирокчиси.

2. Агрисаноат мажмуаси:



МУРОТОВ Файрат Озодович

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетининг 3-курс аспиранти.

1990 йили Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги Гоголь номи 5-ўрта мактабни олтин олтин медаль билан битирган.

1994 йили талабалар учун таъсис этилган Алишер Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори.

1995 йили Мирзо Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетининг "Биологик кимё" мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирган.

1995 йили Мирзо

Улугбек номидаги Тошкент Давлат университетининг "Биотехнология" мутахассислиги бўйича аспирантура-сига кирган.

Инглиз ва рус тилларини мукаммал билди.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: "Хар хил навли ва дургага пахта толарини ўсиш даврида ферментлар ёрдамида парчалаш".

Илмий раҳбари: Мирзааҳмад Раҳимов -- биология фанлари доктори, профессор.

Диссертация мавзуи бўйича 3 та илмий мақола чоп этилган. Халқаро ва республика микёсидagi илмий анжуманлар иштирокчиси.

3. Энергетика, ресурслар, саноат:



САРИБОВЕВ Лазиз Хатибович

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоғистон табиий фанлар комплекс институтининг 3-курс аспиранти.

1990 йили Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Пушкин номидаги 1-ўрта мактабни олтин медаль билан битирган.

1995 йили Бердак номидаги Қорақалпоғистон Давлат университетининг "Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси" мутахассислиги бўйича аспирантура-сига кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: "Квантузлукис примесли спектрли ярим ўтказгич структураларнинг электрик ва фотоэлектрик хусусиятлари".

Илмий раҳбари: Ада Лейдерман -- физика-математика фанлари доктори, профессор.

Илмий маслаҳатчиси: Смагул Каражанов -- физика-математика фанлари номзоди.

Диссертация мавзуи бўйича 3 та илмий мақола чоп этилган. Республика II илмий коллоквиуми иштирокчиси.

4. Соғлиқни сақлаш ва экология:



МАХКАМОВА Шахло Файратовна

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг I Тошкент Давлат медицина институтининг 3-курс аспиранти.

1983 йили Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туманидаги 17-ўрта махсус инглиз тили бўйича ихтисослашган мактабни олтин медаль билан битирган.

1989 йили I ТошДМИни "Даволаш" мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирган.

1989-1992 йиллари I ТошДМИда ҳамда Москва "Қўз

микрохирургияси" илмий-техника мажмуасида клиник-ординатура ўтган.

1992-1995 йиллари I ТошДМИнинг "Офтальмология" кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган.

1995 йили I ТошДМИнинг "Офтальмология" мутахассислиги бўйича аспирантура-сига кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: "Олдинги радиал дозаланган кератомия операциясининг натижасини мукаммаллаштириш усулларини ишлаб чиқиш".

Илмий раҳбари: Алишер Худойбердиев -- медицина фанлари номзоди, доцент.

Илмий маслаҳатчиси: Комилжон Зулфаров -- УзРФАНинг академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан аربоби.

Диссертация мавзуи бўйича 1 та чет элда, 2 та илмий журналларда, 2 та илмий тўпламда илмий мақола чоп этилган, 2 та муаллифлик гувоҳнома ва 1 та рационализаторлик тақдир қилинган.

Диссертация мавзуи бўйича 1 та чет элда, 2 та илмий журналларда, 2 та илмий тўпламда илмий мақола чоп этилган, 2 та муаллифлик гувоҳнома ва 1 та рационализаторлик тақдир қилинган.

5. Ахборот технологиялари ва бошқарув:



МАМАРАСУЛОВ Фарход Умарович

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг 3-курс аспиранти.

1986 йили Жиззах вилояти, Фориш туманидаги Абу Райҳон Бериуний номи 78-ўрта мактабни битирган.

1993 йил Севастополь приборсозлик институтининг "Технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш" мутахассислиги бўйича битирган.

1993-1995 йиллари Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг "Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш" кафедрасида ассистент бўлиб ишлаган.

1995 йилда Абу Райҳон Бериуний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг "Технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш" мутахассислиги бўйича аспирантура-сига кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуи: "Пахта чигитини ливтлаш жараёнини бошқариш моделлари ва алгоритмлари".

Илмий раҳбари: Хусан Игамбердиев -- техника фанлари доктори, профессор.

Диссертация мавзуи бўйича 4 та илмий мақола чоп этилган. Халқаро ва республика микёсидagi илмий анжуманлар иштирокчиси, 1 та патент муаллифи.

Пойтахтимизда Янги йил арафасида бўлиб ўтган халқаро кўрик-танловга талабаларнинг архитектура, дизайн, монументал-безакли ва манзарали-амалий санъатта доир лойиҳа ва ишлари кўйилди. Танловни Тошкент Архитектура-қурилиш институти /ТАҚИ/ Тошкент Техника университети архитектура факультетининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этди. Мазкур олий ўқув юрти шу факультет базасида ташкил топган. Танловда Республикамиз, Қозғистон, Қирғизистон ва Россия олий ўқув юртилари вакиллари иштирок этди. Мазкур мамлакатларнинг архитектура, дизайн соҳасидаги етакчи мутахассислари ва санъатшунослардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати танлов иштирокчиларига кўп мукофотлар берди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки танловга тақдим этилган асарларнинг кўпчилиги ўзига хос услубда, новаторлик, зўр маҳорат билан тайёрланган. Ҳакамларнинг фикрига қараганда, уларнинг ҳаммаси амалда рўёбга чиқаришга арзийди. Масалан, биринчи мукофотлардан бирини олган, ТАҚИ

БўЛАЖАК АРХИТЕКТОРЛАР ТАНЛОВИ

талабаси А.Ғафурбеков томонидан тайёрланган Тошкентдаги «Пахтакор» Марказий стадионини қайта қуриш лойиҳаси ана шундай ишлардан биридир. Лойиҳада ўринларни кўпайтириш билан бир вақтда, томошабинларни жазирема иссиқ ва ёгингарчиликдан сақлайдиган махсус қоплама билан стадион устини тўсиш ҳам кўзда тутилган. Самарқанд Давлат Архитектура-қурилиш институти талабаси А.Червинскийнинг бу қадимий шаҳар

Иқтидорлилар — юрт бахти

уй-жой даҳалари архитектура муҳитини қайта қуриш ва таъмирлашга бағишланган ва биринчи мукофотин олган лойиҳаси ҳам мутахассисларда катта қизиқтиш уйғотди. Илмий газламалардан энг замонавий тикувчилик бўйумларининг ўзига хос коллекцияси муаллифлари — Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг талабалари Т.Егорова ва М.Салега дизайн соҳасидаги биринчи мукофотни олдилар.

Кўйидаги мисол ҳам танловга тақдим этилган ишларнинг сифати юқорилигидан далolat беради. «Тошшаҳарлоиҳа» институти буюртмаси асосида талабалар томонидан бажарилган Халқаро савдо маркази қурилиш лойиҳаси стейнд экспозициясига кўйилди. Бу бинони пойтахтдаги Халқлар дўстлиги майдони яқинида қуриш кўзда тутилмоқда. Бўлажак архитектор фақат маҳорати билангина эмас, янгиҳа фикрлай олиши, энг дадил орзуларини рўёбга чиқариши ва аниқ ҳисоб-китоб қилиши билан ҳам ажралади туради.

Лекин танловнинг асосий якунларидан бири шундаки, у мамлакатимиз олий ўқув юртиларда ёшларимиз олаётган билим даражаси ошганини яққол намойен қилди.

Илгари, аҳоли пунктлари, айниқса шаҳарлар «эгизак» лойиҳалар бўйича қурилган пайтда, уларнинг ҳаммаси бир-бирига жуда ўхшар эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мамлакатимизда халқаро андозалар асосида қурилиш ишлари авж олиб кетди. Тикланаётган биноларнинг ташқи кўринишига, алоҳида лойиҳалар бўйича қуриладиган бу бинолар шаҳарнинг бетакор қўйғасини вужудга келтиришга, шаҳарнинг уй-жой даҳалари ва маъмурий қисми уйғунлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Шу сабабли архитекторларга қўйиладиган талаблар ҳам ошди. Улар чуқур билимли, зукко мутахассис бўлиши, ҳар қандай вазифани ҳал этишга ижодий ёндашиши лозим. Уларни тайёрлашга ҳам худди шу тарзда ёндашилди, бўлажак архитекторларни тайёрлаш иши ҳам сифат жиҳатидан ўзгарди. Бугунги кунда ўқув режасига ҳозир амалга ошириладиган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни акс эттирувчи қўшимча дарслар киритилган.

Ўзбекистонда ун йилдан кўпроқ вақтдан буён бўлажак архитекторларнинг халқаро танлови ўтказилмаган эди. Ҳозирги танлов якунлари бундай учрашувлар ёш мутахассисларни тайёрлашнинг ҳақиқий даражасини кўрсатишига қолмай, уларнинг маҳорати ортинчиға ёрдам беришини, турли мамлакатларнинг архитекторларига касбдошларининг ютуқлари билан танишиш, тажриба алмашиш имконини беришини ҳам исботлади. Шунинг учун эндиликда бундай танловларни мунтазам ўтказишга қарор қилинди.

Ўзбекистонда ун йилдан кўпроқ вақтдан буён бўлажак архитекторларнинг халқаро танлови ўтказилмаган эди. Ҳозирги танлов якунлари бундай учрашувлар ёш мутахассисларни тайёрлашнинг ҳақиқий даражасини кўрсатишига қолмай, уларнинг маҳорати ортинчиға ёрдам беришини, турли мамлакатларнинг архитекторларига касбдошларининг ютуқлари билан танишиш, тажриба алмашиш имконини беришини ҳам исботлади. Шунинг учун эндиликда бундай танловларни мунтазам ўтказишга қарор қилинди.

А.Исанова, У.А.муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧАЙКНИНГ ҒАОЛ ҲИМОЯЧИСИ

(Жаҳон матбуоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китоби тўғрисида)

XX аср ўйлашмиш тараққиёт йилномасига Авалямбор кўллаб ҳалқлар, жумлан, Марказий Осиёда яшаётган халқлар муносабатларига тарихий ҳаққонийлик, тикланишнинг кучли ҳаракати сифатида қаради.

Ушбу кўнға замин ўзининг бутун тарихи мубайнида жаҳонга буюк алломалар, давлат арбоблари, инсоният тараққиётини ун йиллар ва асрлар олдга силжитган даҳоларини етказиб берган.

Дарҳақиқат, таниқли олим, Марказий Осиёнинг замонавий тарихи бўйича мутахассис, Париж академияси профессори В.Фурье Ўзбекистонга нисбатан айтган кўйидаги сўзи бежиз бўлмас керак:

"Хар бир тарихий давр ўзининг бетакорлиги ва бошқарув услуби билан ажралади туради. Бугун биз қадимдаги каби мустақил давлат тикланаётганлигининг гувоҳимиз. Бу Европосий майдонда кучлар тенглигида катта роль ўйнаётган бошқа шаклдаги давлатдир".

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон мустақиллик йилларида нафақат мамлакат ичкарисидида тинчликни сақлади, балки у бутун минтақа барқарорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу жараён иқтисодий, сисъий ва ижтимоий соҳалардаги глобал ўзгаришлар муҳитида амалга ошмоқда. Агар жаҳоннинг "қайноқ нуқталари" — Афғонистон ва Тожикистон бизнинг чегараларимизга айнан яқин жойлашгани, минтақа мамлакатларининг жўрғудий, этник ва тарихий яқинлигини ҳисобга оладиган бўлса, бундай ҳолатда республиканинг халқаро майдондаги муваффақиятлари яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сисъати жаҳон жамоатчилигининг энг йирик доираларида табиий қизиқтиш уйғотмоқда. Шу ўринда Исрол Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобининг дунёга келиши, утган 1997 йилнинг муҳим воқеасига айланди. Асар хавфсизлик фансафаси ва стратегиясини нафақат минтақавий, балки дунёвий микёсда аниқлашга янги саҳифани очди. Ва айнан шунинг учун мажур китоб мамлакатимиз ҳамда минтақамиздан олиш ҳам ўзига хос эътирофга эга бўлмоқда.

Кўллаб тилларга таржима қилинган асар кун сайн янги ўқувчилар топапти. Турли мамлакатларнинг етакчи наشريётлари ушбу асарни чоп этиш ҳуқуқини кўлга киритмоқдалар. Улар қаторида Англиядаги "Керзон Пресс", Германиядаги "Гибриг Тонес", Хитойдаги "Халқаро маданият", Туркиядаги "Билиг" ва бошқалар бор.

Асарнинг турк тилидаги нашрига Туркия Президенти Сулаймон Демирал ёзган сўзбошида мана бундай жумла бор: "Хурматли Исрол Каримовнинг китоби шундай далolat берадики, Ўзбекистон бутун жаҳонда тинчликнинг фазол ҲИМОЯЧИСИ бўлиб қолади".

Китоб муаллифи томонидан одатдан фарқли ўлароқ кенг микёсда кўтарилган саволлар ва муаммолар ўқувчилар сифининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Давлат ва сисъат арбоблари, сисъатшунослар мажур китобдан ўзларини уйлантираётган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилмоқдалар. Мана, бу тўғрисида "Халқаро маданият" Хитой давлат нашриёт корпорацияси Бош директори Чжан Гуйлай шундай дейди: "Президент Исрол Каримов томонидан олиб бориладиган ислоҳатлар назарияси ва амалиёти ХХР да ўтказилган ислоҳатлар ривожини учун муҳим аҳамиятга эгадир".

Мана бу эса таниқли ҳинд дипломати Т.Каулининг фикри: "Исрол Каримов асарининг дунё юзини кўриши кўрраи замоннинг турли нуқталаридаги келишмовчилик марказлари пайдо бўлишидаги омилларни аниқлашга ўзига хос бурлиш нуқтаси бўлди. Исрол Каримовнинг минтақавий хавфсизликка нисбатан билдирган фикрлари ҳозирги замонда муаммоларнинг ҳал қилиш имкониятига ишонч уйғотди".

Украиналик профессионал дипломат Г.Ходоровский шундай дейди: "Исрол Каримовнинг ушбу асари кўллаб одамлар учун кундалик қўллама бўлади ҳамда

мажур китобда қўйилган муаммоларнинг долзарблигини тушуниш ва хар биримиз учун келажак алоқ олддаги масъулиятини ҳис қилишга ундайди".

Етакчи таҳлил марказларининг кўзга кўринган олимлари ва раҳбарлари ҳамда академик доиралар вакиллари китобнинг юқори илмий даражасига алоҳида эътибор беришмоқда. Сорбоннда ўтказилган тақдимнома маросимида Париж Академияси ректори, Тронто (Канада), Нью-Йорк (АҚШ) ва Абердин (Буёк Британия) университетлари фахрий аъзоси М.Масалу шундай фикр билдирди: "Китобда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлиги муаммоси орқали дунёвий аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар кўрилади. Ушбу масалаларни ечиш бўйича француз олимлари ҳам иш олиб бормоқдалар ва мен ишонманки, улар ушбу китобда ўзларини уйлантираётган кўллаб саволларга жавоб топадилар".

Украина Фанлар Миллий академиясининг Жаҳон иқтисоди ва халқаро муносабатлар Институти директори академик Юрий Пахомов шундай ёзди: "Бу асар бетакордир. Китобда ўз мамлакат орқали дунё ва даврни кўзга олиш маҳорати кўзга ташланади". Муаллиф ўз мактубида яқин ўтмишни, ислоҳат ҳолда шундай давом этди: "Уша даврдасқ Исрол Каримов сисъатдонлик иллатидан холи фикран бошқача Даврга қадам босган инсон сифатида таассурот уйғотган эди".

Китобга бўлган қизиқиш оммавий ахборот воситаларида ҳам кенг акс этмоқда. Тақдимнома маросимлари тўғрисидаги хабарлар, асарга бағишланган сўзбоши, фикр-мулоҳаза ва тақрирлар жаҳоннинг етакчи нашрлари саҳифаларида тобора кўпроқ ёрилади.

Франциядаги энг оммавий ва таъсир доирасига эга газеталардан бири "Фигаро" шундай ёзди: "Ўзбекистон ва яқин кўшни мамлакатлар тарихидаги кўп сонли мисоллардан келиб чиққан ҳолда Исрол Каримов шундай чуқур ҳулюсага келдики, тарихни келишмовчиликлар ва урушлар ҳамкорлик ҳаракатларидир".

Ўзбекистон ва унинг ўзбўишисига бўлган қизиқиш яна бошқа бир газета — "Француз англикларини"да чоп этилган барча мақолалар ҳам ўз ифодасини топган. "Президент Каримов ютуқлари", "Давлат хизматидagi қобилиятли инсон", "Ўзбекистон Республикаси томонидан эришилган муваффақиятларнинг халқаро эътирофи" дея номланган мақолалар тўплами қўйилди ҳамда билан якунланди: "Утган олти йил давомида Исрол Каримов шунчи исботладики, унинг мамлакат ўз ривожланиш йўли орқали бош ишониятга эга. Бу эса нафақат халқнинг юқори турмуш даражасига эришишга, балки Ўзбекистоннинг олдинги ўринларга чиқишига асос бўлади".

Исрол Каримов асарига бўлган қизиқишнинг усётганлиги тўғрисида бир далил: "Фақат кейинги ой давомида Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасига Ўзбекистон Президентининг янги китобини олишда ёрдам беришни сўраб 30 дан ортиқ киши мурожаат қилган. Улар орасида жамиятнинг турли қатламлари вакиллари: олимлар, ишбилармонлар, журналистлар, ўқитувчилар ва ҳатто ҳар ҳарбий раҳбар ҳам бор эди.

"Биз Марказий Осиёдан ташқарида бўладиган воқеалардан четда эмасмиз. Биз инсониятнинг бир бўлагимиз, дунё эса узаро боғлиқ ва бўлимадир". Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари мустақил Ўзбекистоннинг бутун дунё ҳамжамияти тақдирини билан ўзининг бўлинимас бирлигини аниқлаш сисъати мазмунини яққол ифодалади.

Исрол Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобини ургангаётган сермулоҳазали ўқувчи албатта, иил бошдан бери Ўзбекистоннинг ташқи сисъий тактика ва стратегиясига ҳеч қандай тасодиғий қадам босмаганлигига эътибор беради.

Нафақат мамлакатимиз ва минтақада, балки кўрраи заминнинг хар бир буржида хотиржамлик ва тинчликка эришиш йўлида бошланган ҳаракат давом этмоқда.

ШУХРАТ ҒУБОВ,
"Жаҳон" АА шарҳловчиси





«Т. А. ИСТИҚОН»
19.00 давоми
133-79-69

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

П. РАҲИМОВ: Ишга кирмоқчи бўлганлар синов муддатини уташлари шартми?

Жавоб: Ўзбекистон Меҳнат Қонуни Кодексига кўра ҳодимларнинг айрим тоифалари учун ишга қабул қилишда синов белгиланмайд. Жумладан:

- 18 ёшга тулмаган шахслар;
- Хунар-техника билим юртларини тамомлаган ёш ишчиларни ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда битирган;
- уруш ноғиронлари ва уларга тенглаштирилганлар;
- масъумий ва вақтинчалик ишга қабул қилинган;
- бошқа жойдаги ишга қабул қилинган;
- бошқа корхонага ишга ўтказилган, шунингдек, қонунчилик томонидан белгиланган бошқа ҳолларда қабул қилинган шахсларга синов белгиланиши мумкин эмас.

В. БЕГАЛИЕВ: Мен айрим сабабларга кўра беш-олти ойдан бери ойлик режаларимни бажара олмаётган эдим. Корхонамиз раҳбари мени ўз вазифасини ўзраси сабаблар билан бажармагани учун, деб ишдан бўшатмоқчи. Шу тўғрисида?

Жавоб: Ҳақиқатдан ҳам ўзраси сабаблар билан корхона раҳбарияти томонидан берилган топшириқларни муттасил бажармаётган бўлса, у ҳолда ҳам Меҳнат Қонуни Кодексининг 41-модда 3-бандига кўра ишдан бўшатилиши мумкин.

Қонунга мувофиқ ҳодимнинг меҳнат мажбуриятлари доирасига қуйидагилар кирди:

- муайян мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш бажариш;
- корхона ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ мажбуриятлар.

Меҳнат Қонуни Кодексига мувофиқ ҳодимлар қуйидагиларга мажбуриятлар:

- ҳалол ва виждонли ироа қилишлари;
- меҳнат интизомига риоя қилишлари;
- маъмурият фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажаришлари;
- меҳнат унвондорлигини оширишлари, махсуслол сифатини яхшилашлари;
- технология интизомига, меҳнат муҳофазаси талабларига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига риоя этишлари;
- корхона мол-мулкига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари лозим.

М. РАСУЛОВА: Ишга маст ҳолда келувчиларга нисбатан қандай жазо чоралари қўлланилиши мумкин?

Жавоб: Иш вақтида корхона ҳудудига ёки меҳнат вазифалари бажариладиган бошқа жойда маст ҳолда юриш меҳнат интизомини қўпол равишда бузиш ҳисобланади, чунки бу хавфсизлик техникаси

бузилишини, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришини, атрофдаги одамлар учун хавф туғдириш эҳтимолини кўп даражада оширади. Ғиёҳанд ёки захарли моддалар истеъмол қилганлик оқибатида сархуш ҳолда ишга келганлик ҳам мана шундай зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

